

Тошкент ш.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING "DAVLAT BELGISI" Davlat unitar korxonasi
бундан буён «Бажарувчи» деб аталган ҳолда, Уставига асосланиб фаолият юритувчи Бош директори Б.Д.Джумаев, бир
томон бўлиб ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази
номидан директори Чуғбек Сухрабович Раёқов (лавозими ф.и.ш.)

келгусида «Буюртмачи» деб аталган ҳолда, корхона Низомига мувофиқ иш юритувчи иккинчи томон бўлиб, (кейинги
ўринларда «Тарафлар» деб аталади) ушбу шартномани 2022 йил 6 январдаги 6-рақамли буюртма хати асосида
куйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. «Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг буюртмасига мувофиқ «Дипломатик паспорт» бланкалари ўз вақтида ва
сифатли электрон чипли мукова материалидан фойдаланган ҳолда тайёрлаб беради. «Буюртмачи» эса паспорт
маълумотлари киритилган СД-диск билан маҳсулотларни қабул қилиб, мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ
ҳақини тўлайди:

Электрон мукова материалининг таснифи куйидагича: 1) Чип – IFX SLE78CLX800 2) Антенна тури – мисли
антенна, 3) Операцион тизим - STARCOS 3.5, 4) Электрон мукованинг калинлиги - 650 $\mu \pm 9\%$.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Маҳсулот Адади	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС сиз (сўм, тийин)	1 бирлик маҳсулот учун ҚҚС билан (сўм, тийин)	Жами ҚҚС сиз (сўм, тийин)	Жами ҚҚС билан (сўм, тийин)
1.	Дипломатик паспорт бланкалари (хар бир биометрик паспорт бланкалари 36 бетдан иборат) серия DB (0000001) 3 дона серия DB (0000002) 3 дона	дона	6	31 219-00	35 901-85	187 314-00	215 411-10
	Жами:						215 411-10

II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов тартиби

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан: **215 411-10 (икки юз ўн беш минг тўрт юз ўн бир) сўм 10 тийин**ни ташкил қилади. биометрик паспорт бланкасининг нархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2021 йил 2 февралдаги 06/15-03-Уз-2021/1-сонли нарх декларациясига мувофиқ белгиланган. Янги нарх декларацияси
тасдиқланиб кучга кирган ҳолатда, ушбу шартноманинг қиймати «Буюртмачи»га жўнатилмаган маҳсулот миқдорига
қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Тайёрланиладиган маҳсулотнинг баҳоси, қатъий белгиланган ҳисобланмайди, яъни Ўзбекистон
Республикаси Президентининг Фармонида асосан, иш ҳақи ҳамда асосий материалларнинг нархи ўзгарганда
«Бажарувчи» маҳсулот бирлигининг нархини ўзгартириш ҳукукига эгадир. Янги нарх, Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг декларациясига мувофиқ тасдиқланиб, кучга кирганидан сўнг, ушбу шартноманинг,
жўнатилмаган маҳсулотнинг қиймати, қайта ҳисоб-китоб амалга оширилади.

2.3. «Буюртмачи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сонли ҳамда 2007
йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли
Қарорлари талабларига асосан тайёрланадиган маҳсулот қийматининг **30 фоизини** шартнома икки томонлама
имзолангандан сўнг ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилигидан рўйхатидан ўтганидан сўнг
«Бажарувчи» томонидан тақдим этилган ҳисобга асосан 15 кун мобайнида олдиндан ҳақ тўлайди.

2.4. «Буюртмачи» га маҳсулот тайёрлаб берилгандан сўнг, «Буюртмачи» томонидан тайёр маҳсулот олиб чиқиб
кетганда, «Буюртмачи» «Бажарувчи»га мазкур суммасининг қолган **70 фоиз** тўловини «Бажарувчи» томонидан
берилган ҳисоб-фактурага асосан 10 кун ичида тўлайди.

III. Маҳсулотларни тайёрлаб бериш муддати, тартиби ва қабул қилиш шартлари

3.1. Мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра, «Буюртмачи» томонидан олдиндан тўланадиган **30-фоиз** пул
миқдорини «Бажарувчи» чет-эллик матбаа материаллари етказиб берувчилар матбаа материалларини етказиб
бериши учун тўлов амалга оширади. «Бажарувчи» ушбу шартномада белгиланган маҳсулотни **10 кун давомида**
тайёрлаб бериш мажбуриятини олади.

3.2. «Бажарувчи» буюртма тайёр бўлганлиги ҳақида «Буюртмачи»га телефон орқали ёки хат ёзиб маълум
қилади. «Буюртмачи»га маҳсулот тайёр бўлганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан кейин 10 кун ичида маҳсулотни
олиб чиқиб кетиши шарт.

3.3. Тайёр маҳсулотлар олиб чиқиб кетиш «Буюртмачи»нинг ваколатли шахслари орқали, унга берилган
ишончнома ва паспорт тақдим этилган тақдирда амалга оширилади.

3.4. Эҳтиёж туғилганида кафолат хатлари орқали маҳсулотлар берилиши мумкин. Бунда қарз бўлган сумма
бўйича таққослаш далолатномаси тузилиши лозим.

3.5. «Буюртмачи»нинг вакили маҳсулотларни мазкур шартномада назарда тутилган муддатда ва тартибда
«Бажарувчи»нинг вакили иштирокда кўриб, қабул қилиб олиши шарт.

3.6. «Буюртмачи» хар бир кадокланган маҳсулотларни қабул қилиб олиш жараёнида унинг бутлигини текшириб
олиши шарт. Агар кадокланган маҳсулотларни қабул қилиб олиш жараёнида камчиликлар аниқланса, «Буюртмачи»нинг

вакили бу тўғрисида “Бажарувчи”нинг вакилига дарҳол маълум қилиши шарт. Маҳсулотларни қабул қилиш жараёнида аниқлаш имконияти бўлмаган (яширин) камчиликлар аниқланганда, тарафлар мазкур шартноманинг 5.1-банди ва қонунчиликда белгиланган қоидаларни қўллайдилар.

3.7. “Буюртмачи”нинг қадокланган тайёр маҳсулотнинг сонига ва унинг бутлигига бўлган эътирозлари “Бажарувчи” томонидан маҳсулот топширилганидан сўнг инобатга олинмайди.

IV. Маҳсулот сифати

4.1. Маҳсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 июндаги 158-сонли қарори билан тасдиқланган стандартига, асл нусхага ва таснифда кўрсатилган техникавий шартларга мувофиқ келиши керак.

4.2. Биометрик паспорт бланкасининг охириги бетида кўрсатилган қоидаларга риоя қилинган ҳолда паспорт бланкаларига 10 йил қафолат муддати берилади.

V. Эътирозлар

5.1. Маҳсулотнинг белгиланган талабларга жавоб бера олмаслиги нуксон далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Нуксон далолатномасида аниқланган камчиликлар аниқ баён этилиши керак. Мутахассисларнинг ҳулосаси илова қилиниши мумкин.

5.2. Нуксон далолатномасини имзолашга “Бажарувчи”нинг вакили таклиф этилади. Агар таклиф этилган вакил таклифномани олган кундан бошлаб 3 (уч) кун мобайнида етиб келмаса унда нуксон далолатномаси “Буюртмачи”нинг вакили томонидан имзоланади.

5.3. Нуксон далолатномаси икки нусхада тайёрланади ва унинг бир нусхаси “Бажарувчи”га юборилади.

5.4. “Бажарувчи” 3 (уч) кун муддат ичида нуксон далолатномасида баён этилган маҳсулот сифатининг номувофиқлиги моҳияти юзасидан ёзма равишда жавоб бериши керак.

5.5. “Буюртмачи”нинг маҳсулот сифатига бўлган эътирози “Бажарувчи” томонидан инобатга олинган тақдирда “Бажарувчи” камчиликларни оқилона муддатда бартараф этади ёки маҳсулот нарҳини мутаносиб равишда камайтиради.

VI. Томонларнинг мажбурияти

6.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди.

6.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “DAVLAT BELGISI” ДУК ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилиши қафолат беради.

VII. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Агар тайёрлаб берилган маҳсулот сифати, ассортиментини бўйича техник шартлар, намуналарга, шартномада келтирилган шартларга мос келмаса, “Буюртмачи” маҳсулотни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, тайёрлаб берувчидан сифати, ассортиментини лозим даражада бўлмаган маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар маҳсулот ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

7.2. Агар “Буюртмачи” буюртмани “Бажарувчи”га топширганидан кейин уни давом эттиришни хоҳламаса, у ҳолда олдиндан тўланган ҳақнинг маълум қисми яъни, “Бажарувчи” бажарган ишлар қийматининг тўлаш ва у кўрган зарарни қоплаш учун ушлаб қолинади.

7.3. “Буюртмачи” тайёр маҳсулотни кўрсатилган муддатда олиб кетмаса, ўтказиб юборилган кунга “Бажарувчи”га оморда сақланганликдан келиб чиққан зарар учун маҳсулот қийматининг 5 (беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4. Ўтказиб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи”, “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир календарь кунини учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

7.5. Бошқа ҳолатларда тарафлар (“Буюртмачи”, “Бажарувчи”) мажбуриятларини лозим даражада ёки умуман бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг тегишли нормалари, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ҳамда амалдаги қонунчилик асосида жавобгардирлар.

VIII. Форс-мажор

8.1. Томонлар хоҳиш иродасидан ташқари юзага келадиган олдиндан билиб бўлмайдиган ва олдини олиш имконияти бўлмаган форс-мажор (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар ва х.к.) ҳолатларда томонлар мажбуриятларини бажармаганликлари учун бир бирлари олдида жавобгар бўлмайди. Тегишли идоралар томонидан берилган маълумотнома ушбу ҳолатларни мавжудлигини ишончли исботи ҳисобланади.

8.2. Шартноманинг 7.1 бандида назарда тутилган ҳолатлар юзага келган тақдирда шартларни бажармаётган тараф мазкур ҳолат юзасидан ва ушбу ҳолат шартларни бажаришга таъсир этаётганлиги ҳақида ҳабар бериш керак.

8.3. Шартноманинг 7.1. бандида назарда тутилган енгилмас қучлар ҳолати охириги уч ой давомида давом этса “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” томонидан иккинчи тарафга билдиришнома юбориш билан мазкур шартномани бекор қилиниши мумкин.

8.4. Форс-мажор ҳолатига асосан мажбуриятни бажариш тўхтаб қолганда “Бажарувчи” ёки “Буюртмачи” келтирилган зарарни қоплашни талаб қила олмайдилар.

IX. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Ушбу шартномадан келиб чиқадиган низоли масалалар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

9.2. Келишувга эришилмаган тақдирда томонлар низоларни ҳал этиш учун қонунчиликка мувофиқ иктисодий судига мурожаат этадилар.

X. Якуний қоидалар

10.1. Шартнома томонларнинг ўзаро келишувига кўра ёки улардан бири томонидан шартнома шартларини

Бошқа томон жиддий бузган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

10.2. Тарафларнинг юридик манзиллари, телефон, факслари, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда улар икки кун муддат ичида бир-бирларига бу ҳақида маълумот беришга мажбурдирлар.

10.3. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, белгиланган тартибда тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина амалда бўлади.

10.4. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги рўyxатидан ўтган кундан кучга ки­ради ва 2022 йилнинг 31 мартгача амалда бўлади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Бажарувчи»

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKING

“DAVLAT BELGISI” Davlat unitar korxonasi

Почта индекси: 100053

Манзили: Тошкент шаҳар,

Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 160 «А»

хисоб рақами: 21596000305108789001

МҲО: 00014

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХККМ

ИНН: 306612737

ҚҚС коди: 326030048929

ОКЭД: 18120

Тел.: 71-209-02-73, 234-46-01.

«Бажарувчи»

номидан раҳбар:



«Буюртмачи»

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Давлат персоналлаштириш маркази

VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI

DAVLAT PERSONALLASHTIRISH MARKAZI

100053, TOSHKENT SH. BOG'ISHAMOL,

160A TEL./FAKS 2359313

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЗНАЧИЛИГИ

ҒАЗ/Х-Р: 23402000300100001010

БАНК: ХККМ МБ ТОШКЕНТ ШАХ ББ

МҲО-00014 СТИР-201122919

«Буюртмачи»

номидан раҳбар:



УЗР ВМ ХУЗ. ДПМ

ПХР: 100010860262667039910241001

ИФУТ: 84.91.1 СТИР: 301285776

"DAVLAT BELGISI" DUK

Баш қорисқондур: (Мирзаев Б.)

Handwritten signatures in blue ink at the bottom of the document, including the signature of the official responsible for the order (U. Tashkuzhaev) and other signatures.

2022 йил 08 январь

Тошкент ш.

“Давлат белгиси” ДУК нинг 2022 йил 8 январдаги
12-В/09-сонли шартномаси бўйича
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Бажарувчи: “Давлат белгиси” ДУК

Буюртмачига: Давлат персоналлаштириш маркази.

Шартнома қиймати: 215 411,00 сум.

“Давлат белгиси” ДУК ҳамда Давлат персоналлаштириш маркази ўртасида тузилаётган шартномани ўрганиб чиқиш натижасига асосан қуйдаги аниқланди:

1. Шартнома шартларига кўра “Ишлаб чиқарувчи” томон “Буюртмачига” хорижга чиқиш беометрик паспортини етказиб бериш мажбуриятини олган.

2. Шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 й. 670-I-сон “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Шартнома муносабатларига киришаётган шахслар ўртасида аффилланган шахслар мавжуд эмас.

4. Шартномада шартнома предмети, тўлов шартлари ва етказиб бериш, томонлар мажбурияти, шартнома муддати, баҳсларни ҳал этиш тартиби, форс мажор, бошқа шартлар ва томонлар реквизитлари келтириб ўтилган.

Юқорида келтирилганларни инобатга олиб, 2022 йил 8 январдаги 12-В/09-сонли шартнома шартлари амалдаги қонунчилик талабларига зид келмайди ва имзоланишига тавфсия этилади.

Бош юрисконсульт



Б. Мирзаев

Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

Общие сведения

ИНН:	306612737
Регистрирующий орган:	Центр государственных услуг
Дата регистрации :	31.07.2019
Номер регистрации:	747775
Наименование юридического лица:	"O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING "DAVLAT BELGISI"" davlat unitar korxonasi
Код ОПФ:	160 - Унитарное предприятие
Код ОКЭД (Вид(ы) осуществляемой деятельности):	18120 - Прочие виды полиграфической деятельности
Код СООГУ:	05054 - Центральный банк Республики Узбекистан
Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:	Нет
Состояние активности:	Действующие предприятия
Уставный фонд:	224 116 160 700,000 UZS

Информация об учредителях и их доле в уставном фонде

1. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI	100,00 %
--	----------

Контактные данные

Адрес электронной почты:	printuz2011@yandex.com
Контактные телефоны:	712344601
Код СОАТО:	1726266 - Toshkent shahri, Yunusobod tumani
Улица, тупик, дом:	BOG'ISHAMOL KO'CHASI, 160A-UY

Информация о руководителе

Имя руководителя:	DJUMAYEV BAXTIYOR DJALILOVICH
ИНН руководителя:	491680601